



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ**

№ 891

2018 йил «9» октябрь

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ
АЪЗОСИ Т.ДЖУРАЕВНИНГ СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТИНИ
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2018 йил 11 июлдаги “Т.И.Джураевни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида”ги КҚ-376-III-сон қарорига ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2018 йил 13 июлдаги 282-53-сон қарорига ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Турабжон Икрамович Джураевнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг сенаторлик ваколати муддатидан илгари 2018 йил 13 июлдан тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раис**

М.Абдусаломов